

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

ISAAC NYUTON
(1643-1727)



2022

APREL

№39



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
3-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-3**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-3**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 39-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 апрель 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Muxamadaliyev Ma'rufjon Mo'minjonovich QADIMGI FARG'ONA TARIXI.....	7
2. Каримов Яшин Абдушарипович ЗАРАФШОН ДАРЁСИДА ҚАЙИҚЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	9



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

QADIMGI FARG‘ONA TARIXI

Muxamadaliyev Ma’rufjon Mo’minjonovich

Farg‘ona viloyati Bag‘dod tumani 29 – son
umumiy o‘rta ta’lim maktabining tarix fani o‘qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Qadimgi Farg‘ona davlatining tarixi, uning yurtimiz hududida joylashganligi va gullab yashnaganligi har tomonlama qudratli davlat bo‘lganligi haqida malumot berilgan.

Kalit so‘zlar: tarix, Qadimgi Farg‘ona davlati, Xitoy, Davan, Parkana, siyosiy tuzum, sho‘rabashad bosqichi, Farg‘ona vodiysi, milod.

Farg‘ona vodiysining qadimgi tarixi haqida gap ketganida, odatda, uning miloddan avvalgi VII-VI asrlardan to milodiy eraning V asriga qadar bo‘lgan davr tarixini ko‘z o‘ngimizga keltiramiz. Chunki, undan avvalgi davr qadimgi Farg‘ona tarixida ibtidoiy jamoa tuzumi va V asrdan boshlab esa uning feodal davri tarixi boshlandi. Bu davr ijtimoiy-siyosiy hayotida erkin jamoa xo‘jaligi jamiyat rivojida asosiy qatlamni tashkil etardi.

Qadimgi Farg‘ona (Xitoy manbalarida bu o‘lka Davan nomi bilan tilga olinadi, boshqa manbalarda Parkana deyilgan) tarixchilar uchun muhim bo‘lgan uning tashkil topgan va inqirozga yuz tutish yillari aniqlanmagan. Bu davlat, boshqa manbalarda taxminan miloddan avvalgi III asrdan to milodiy II asrgacha mavjud bo‘lib, Farg‘ona vodiysida joylashgan deb keltirilgan. Bundan ko‘rinib turibdiki Farg‘ona vodiysining qadimgi davr tarixi yetarli darajada o‘rganilmagan. Tarixiy yozma manbalarda ham bu haqda deyarli hech qanday ma’lumotlar uchramaydi. Xitoy manbalarida ba’zi bir qisqa, uzuq-yuluq ma’lumotlar uchrab turadi. Buning sababi Farg‘ona vodiysining Xitoy bilan hududiy jihatdan chegaradosh va qo‘shni bo‘lganligida deb tasavvur qilish mumkin. Yuqoridagi sabablar taqozosi bilan darslik qo‘llanma va adabiyotlarda Farg‘ona vodiysining qadimgi davri tarixi haqida maxsus so‘z yuritilmagan. Akademik A.Asqarov «O‘zbekiston tarixi» kitobida bu kamchilikni tuzatish bo‘yicha dastlabki qadamni qo‘ygan.

Akademik A.Asqarov fikricha, miloddan avvalgi VI–IV asrlarda O‘rta Osiyoning Baqtriya, Parfiya, Marg‘iyona, Sug‘d, Xorazm kabi o‘lkalari Eron ahamoniylari tomonidan bosib olinganda qadimgi Farg‘ona bunday tobelikdan ozod bo‘lgan. Bu davlat Xorazm davlati singari makedoniyalik Aleksandrğa ham tobe bo‘lmagan.

Farg‘ona vodiysining qadimda salavkiylar davlati tarkibida bo‘lganligi haqida ham hech qanday ma’lumot yo‘q. Bundan chiqadiki, Farg‘ona qadimgi davrda ahamoniylar va yunonlar hukmronligi davrida siyosiy erkini o‘z qo‘lida saqlab qola olgan. Yunon manbalarida salavkiylarning lashkarboshisi Demodam miloddan avvalgi 280-yilda Yaksart (Sirdaryo)dan o‘tib, yunon xudosi Appolon shaniga altar (mehrob) (olovxona) o‘rnatdi, degan xabardan bo‘lak hech narsani qoldirmagan. Bundan tashqari, antik tarixchilar Yunon-Baqtriya podsholaridan biri Sharqiy Turkistonga Farg‘ona orqali bir marta qo‘shin tortib borganligini qayd qilish bilan cheklanadi. Bu fikr-mulohazalar asosida xulosa qiladigan bo‘lsak qadimgi Farg‘ona davlati — Davan miloddan avvalgi II asrda emas, balki ancha ilgariroq, taxminan IV yoki III asrlardayoq tarix sahnasida bo‘lganligi ma’lum bo‘ladi. U paytda bu davlat Parkana deb atalgan.

Davan nomi esa xitoyliklar tomonidan berilgan nomdir. Ba’zi bir xitoy yozma manbalarining guvohlik berishicha, miloddan avvalgi II–I asrlarda Davan aholisi ko‘p, dehqonchilik va hunarmandchilik xo‘jaliklari yuksak darajada rivojlangan, shaharlarga boy va kuchli qo‘shinga ega bo‘lgan mamlakat edi. Buni boy arxeologiyaga oid topilmalar ham tasdiqlaydi. Davan tarixining bu davri Sho‘rabashad bosqichi deb ham ataladi. Sho‘rabashad O‘zgan yaqinida joylashgan bo‘lib, vodiyning yirik shaharlaridan biri bo‘lgan, uning yer maydoni 70 gektarga tengdir.

Davan davlatining siyosiy tuzumi ilk shahar-davlat yoki voha-davlatlarining erkin ittifoqiga



tayanardi. Bunday davlat tizimining shakllanishida ilk temir davrida (miloddan avvalgi XI—VIII asrlarda) qaror topgan dehqonchilik vohalari va ular negizida tashkil topgan qadimgi shaharlar asos bo‘lgan edi. Bunday dehqonchilik vohalarining soni arxeologiyaga oid izlanishlar ma’lumotlariga qaraganda 10 dan ortiq bo‘lgan. Bular Aravonsoy, Akbura, Sultonobod, Qo‘rg‘ontepa, Andijonsoy, Qorabosh, Tentaksoy, Maylisoy, Ulug‘nor, Shahrixonsoy, Akman, Yilg‘insoy va boshqalardir. Ularning har birida o‘nlab antik davr yodgorliklari mavjud. Bu vohalar asosan so‘nggi bronza davrida o‘zlashtirilgan, miloddan avvalgi IV–I asrlarga kelganda esa ular zaminida shaharlar qad rostlaganini ko‘ramiz.

Qadimgi Davan davlatini milodning dastlabki yuz yilliklari davomida mahalliy aslzodalar sulolasi boshqargan. Buni Xitoy manbalari tasdiqlaydi. Bu manbalarda ko‘rsatilishicha, qadimgi Farg‘onani 419-yilgacha bir sulola vakillari uzluksiz idora qilganlar. O‘rta Osiyo hududlarida eftaliylar davlati qaror topgach, qadimgi Farg‘ona davlati ham o‘z mustaqilligini yo‘qotib, ana shu eftaliylar davlati tarkibiga kirgan edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xo‘jayev A. Farg‘ona tarixiga oid ma’lumotlar (Qadimiy va ilk o‘rta asr Xitoy manbalaridan tarjimalar va ularga sharhlar). Farg‘ona, 2013
2. Isxoqxon Junaydulloho‘ja o‘g‘li Ibrat. Farg‘ona tarixi. T. 1991.
3. Azamat Ziyo. O‘zbek davlatchiligi tarixi. Sharq. 2000.
4. Rustambek Shamsutdinov. Shodi Karimov. Vatan tarixi. Sharq. 2010.
5. Internet saytlari



ЗАРАФШОН ДАРЁСИДА ҚАЙИҚЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ОИД БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.

Каримов Яшин Абдушарипович

Урганч давлат университети “Тарих” кафедраси доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.
yashin_0101@mail.ru

Аннотация: Мақолада Зарафшон дарёсининг Марказий Осиё коммуникация тизими ва Буюк Ипак йўли шимолий тармоғининг ривожланишидаги аҳамияти, энг қадимги даврдан XX аср бошларигача бўлган вақтда кемачиликнинг ривожланиб бориши, минтақада тутган ўрни қадимги давр ва ўрта асрлар мисолида тарихий манбалар, архив ҳужжатлари асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Барш, Новкенд, Вакар, Бармиш, Бухоро, Қорақўл, Денов, Паттакесар .

Марказий Осиёдаги сув йўллари Амударё ва Сирдарё билан чекланиб қолмасдан, минтақадаги бошқа дарёларда ҳам қадимдан кемачилик ривожланиб келган. Зарафшон дарёси ва ундан чиқарилган каналларда (Барш, Новкенд, Вакар ва Бармиш) X-XII асрларда қайиқчилик ривожланганлиги манбаларда қайд этилган[3.16].

Зарафшон сув йўлидан фойдаланиш сўнгги ўрта асрларда ҳам давом этади. Хусусан, 1820 йилда Бухоро амирлигига Негри бошчилигидаги Россия элчилиги миссияси таркибида келган Е.К.Мейендорфнинг маълумотида кўра, Зарафшон дарёси оқими бўйлаб Самарқанд атрофидаги тоғлардан олиб келинган арча дарахтлари то Бухоро ва Қорақўлга етказиб берилган. Бу манбада, шунингдек, Бухородаги Абдул Мўмин мадрасаси (XVI аср) пойдеворига ишлатилган нақшли оқ мармар Самарқанддан Зарафшон сув йўли орқали олиб келинганлиги қайд этилади[5.110]. Бу маълумотлар Зарафшон дарёси сув йўлидан фойдаланиш бутун ўрта асрлар даврида бўлганлигини тасдиқлайди.

XIX аср охирида Сурхондарёда ҳам қайиқларда юк ташилган. XIX аср охирида Шарқий Бухорода бўлган рус ҳарбийлари маълумотларга кўра бу даврда Сурхондарёда ҳам қайиқлар қатнови йўлга қўйилган. Хусусан, Деновдан Паттакесаргача (Паттакесар - Термиздан 10 км.ча шимоли-ғарбда, Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу жой қадимги давр ва ўрта асрларда Амударё сув йўлидаги муҳим бандаргоҳлардан бири бўлиб келган. XIX аср охири –XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Туркистон генерал губернаторлиги ўртасида тузилган шартномага кўра, бу ерда Амударё флотига тегишли рус ҳарбий ва юк кемалари учун махсус бандаргоҳ ҳамда рус ҳарбийлари учун казармалар ва мудофаа иншоотлари барпо этилган) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари соллар ва кичик қайиқларда ташилиб, дарёнинг Какайдидан Амударёгача бўлган қисмида 200 пуд ва ундан кўпроқ юк оладиган катта кемалар сузиб юрган[1.392].

Кемалар қатнови Сирдарёнинг ирмоқлари бўлган дарёларда ҳам йўлга қўйилган эди. Ибн Хурдодбех Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Оҳангарон, Чирчиқ ҳамда Талас дарёларида қайиқларда юк ташилгани ҳақида маълумот берилади[2.178]. «Худуд ал-олам» асарида Бинкат (Тошкент)дан 1 фарсах узоқликда жойлашган Нужакат шаҳрида қайиқчилар яшаши, улар Парак (Чирчиқ) дарёси ва Сирдарё сув йўлида қайиқчилик қилиши қайд этилади[6.118]. Ангрен дарёсининг ўнг қирғоғидаги Шовкат шаҳридан (Увайттепа ёдгорлиги) қайиқлар қолдиғи топилгани[4.58] Оҳангарон дарёсида ҳам кемачилик ривожланганини кўрсатади.

Иктибослар:

1. Галкин. Маршрутное описание дорог пролегающих по долине правого берега реки Сурхана // Сборник географических, топографических и статистических материалов по Азии. –СПб., 1894. Вып. 57. – С. 392.
2. Ибн Хордадбех. Книга путей и стран. (Китоб ал масалик ва-л мамалик) / Пер. с арабского, комм., исслед., указ. и карты Н. Валихановой. – Боку: Элм, 1986. – С. 178.
3. Извлечение из книги “Пути и страны” Абу-л-Касыма ибн Хаукаля / Перевод Е.К. Бетгера // Труды САГУ. Археология Средней Азии. IV.– Ташкент: Изд-во САГУ, 1957– С. 16.
4. Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк.Т.1953.-58
5. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975.-С.110.
6. Hudūd al-‘Ālam (The regions of the world) a Persian geography / Translated and explained from the Persian by V. Ninorsky. – London, 1970.– P. 118.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.04.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000